O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 12 январ

2 (175)- сон


ЗИЁЛИ АРМИЯНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ ҚАНДАЙ? ПРЕЗИДЕНТ НИМАНИ ОРЗУ ҚИЛАДИ?

## ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Армиямиз кунлари армия ҳақидаги ўйларга тортади. Куни кеча Президент ўртага қўйган ҳаётбахш ғоя хаёлни узоқларга олиб кетади...

Ҳа, тинчлик-тотувликнинг қадри, баҳоси жуда баланд. Бунинг моҳиятини билиш учун баъзан унчалик кўп ақлнинг ҳам кераги йўққа ўхшайди. Биз буни кўпинча худди ҳаво, сув, нон, қуёшнинг нури, туннинг ҳаловат етказувчи ҳузури каби қандай бўлса шундай қабул қиламиз. Яъни худди азалдан ўзи шундай бўлиши керакдай кўрамиз. Лекин шуларнинг биронтаси бир зумгина бўлмай қолса, бир зумгина ўз азалий ҳаракатидан тўхтаса, ўз азалий моҳият-мазмунини йўқотса, тарк этса, фақат инсоният учунгина эмас, балки бутун тирик мавжудот учун, балки жамики борлиқ учун ҳаёт тугашини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Бунга ҳисоб бериб яшамаймиз. Одам боласи бор нарсалардан истаганча бемалол фойдаланишга ўрганиб қолган. Биз тинчлик-тотувлик шароитида бемалол умргузаронлик қиламиз. Лекин одамзод болалари ер юзини эгаллаган, ўзини ер соҳиби, ернинг малики, Руҳ оламининг эса малоикларидан бири тарзида таниганидан ва намоён қилганидан буён — кўз илғамас тарихий вақтдан бери тинчлик-тотувликни сақлашга ҳамиша ўзининг энг яхши кучлари — ҳатто айтиш мумкинки, барча куч-қувватларини сарфлаб келади. Тинчлик-тотувликни сақлаш ўша кўз илғамас энг ибтидоий замонлардан бери инсоният муаммоларининг муаммоларидан бўлиб қолган. Инсоният мудом уруш ва тинчлик тазоди ичида яшайди. Унинг таҳликалар, турли хавф-хатарлардан халос бўлишга интилишлари яна янгидан-янги хавф-хатарлар, таҳликаларни келтириб чиқаради. Гўё бу зиддият ва бу тазоднинг давоси йўқдек кўринади. Инсоният тазоднинг у учидан бу учига тинмай мисоли соатнинг кафтгири ёки мили каби бориб келаверади. Унинг ақли-иродаси шунга кўниккандай бўлиб туюлади. Мабодо кўникмаган, қабул қилмаган, у билан сира чиқишмаган, муросага бормаган тақдирда ҳам, шу муқаррар ёмонлик, муқаррар ёвузлик мавжудлигини тан олади. Фақат бу муқаррар ёмонлик аллақайлардан — самолардан эмас, табиатнинг номаълум кучлари шиддатидан эмас, азалий битиб қўйилган қонун-қоидалардан эмас, фақат ва фақат ўзининг ожизлигидангина туғилаётганлиги, юзага чиқаётганлиги, неча минг йиллик тарихий вақт ичида судралиб келаётганлигини тушунишни истамайди. Ер юзининг дам у чеккаси дам бу чеккасида пайдо бўладиган тузалмас яралар — юз йиллик, ўттиз йиллик, ярим асрлик урушлар шундан далолат беради.

Ҳа, урушлар инсониятнинг — унинг ақли, идроки, иродасининг қудратидан эмас, унда худди мана шу нарсаларнинг ўта ожизлиги, заифлиги, чидамсизлигидан пайдо бўлади. Инсоният ўзининг бу ожизлигини енгиш учун не-не ҳаракатлар қилмади: не-не қурол-яроғларни ўйлаб топмади, не-не қўшинларни тузмади, не-не ҳарбий маҳорат сирларини ўрганмади ва оламга келтирмади. Не-не бебаҳо маблағларни сарф қилмади. Курраи арзнинг қайтарилмас, такрорланмас, ўрни тўлмас бойликларини совуриб юбормади. Одам ўз ожизлигини қурол-яроғ билан яшириш, муҳофаза қилиш истагида бунинг тескарисига — тамомила тескари натижага эришди — у қанча кўп қурол-яроқ ишлаб чиқарса, ўйлаб топса, шунча яна ожиз бўлиб қолаверди. Унинг ожизлигининг даражаси йигирманчи асрга келиб ақл бовар қилмас даражада кўтарилиб кетди. Инсоният энди ўзи яратган қуролларнинг ваҳшати ва ваҳимаси олдида танг ва ожиз бўлиб қолди.

Наҳотки бу ожизлик азалий бўлса? Наҳот уни енгиб ўтишнинг йўли йўқ? Йўриғи йўқ?

Инсоният ўзининг шу пайтгача ўйлаб топган барча қирғин қуроллари — қон тўкиш воситаларини бир ерга жамлаб эритиб, куйдириб, бутунлай йўқ қилиб юборадиган замонлар бир кунмас бир кун ахир келармикин? Бу худди хаёлотга — тийиқсиз фантазияга ўхшайди. Лекин энг яхши орзулар фантазиялардан туғилмайдими? Янги замон, янги аср, янги минг йилликларга кириб бораётганда, шу фантазия учун ишласак, шу фантазияни одамзоднинг орзуси каби қабул қилсак, шу орзунинг ҳақиқатга айланиши йўлида бош қўшиб ишласак, режаларимизнинг бир чеккасида буни ҳам назарда тутсак, ахир бора-бора ғайритабиий, ақл етмас бир нарса эмас, балки инсоният яқин келажакда эришмоғи мумкин бўлган гўзал, зарурий бир реалликка айланар.

Баъзи олимлар инсоният цивилизацияларининг тўқнашуви муқаррар деб ўз башоратларини баён қилиб чиқмоқдалар. Улар Ғарб ва Шарқ цивилизациялари бора-бора елка тирашиб қолади, худди Босния, Кавказ, Яқин Осиёда бўлгани каби деб, тўқнашувларни муқаррар ҳодиса деб тушунтиришга, Ғарб ва Шарқ маданий, ҳаётий, эътиқодий қадриятлари ўртасига ўтиб бўлмас тўсиқлар қўйишга уринадилар. Келинг, яхшилаб ўйлаб кўрайлик. ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИ АСОСЛАШГА УРИНИШЛАР САМАРАЛИМИ ЁКИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЯҚИНЛАШУВЛАРИНИ АСОСЛАШ САМАРАЛИМИ? Цивилизацияларни тарафкашлик қуроли ҳамда воситасига айлантириш фойдалими ёки уларнинг бир-бирларига киришиб, бир-бирларига ўтиб, тўлдириб, бойитиб, оқилона бир муроса муҳитида яшашлари, ривожланишлари фойдалими? Инсоният цивилизациялари аниқ фронтлар — жабҳаларга ажралиб кетмаган, улар орасида жарликлар, тўлдириб, тузатиб бўлмас тектоник ёриқлар ўтган эмас! Тектоник ёриқлар балки ер куррасида қитъалараро, замин ости, океанлар тагидан фазо миқёсларида ўтгандир. Лекин цивилизациялар орасида бундай ёриқларнинг бўлиши мумкин бўлмаган ҳол. Нотабиий ҳол! Бунинг нималигини тасаввур қилиш учун инсониятнинг азалдан бир вужуд эканлиги, азалдан унга фақат шу замин ато қилинганлиги ва азалдан у ўзини битта, ЯГОНА ЯРАТГАНга иймон келтириб келганлигини кўздан кечириш кифоя! Инсоният Ягона Худони тан оларкан, у ўзининг ҳам ягоналигини тан олади. Тан олиш инсониятни бирлаштиради. Тан олиш ажратиб қарашдан сақлайди. Тан олиш сабр-тоқат, муроса, мурувват билан ишлаш ва яшашни тақозо ҳамда талаб қилади.

Ер юзида умидли гўшалар мавжуд! Турли цивилизациялар муваффақият билан ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар бор экан, бора-бора заминда тўқнашувлар эмас, яқинлашувлар фалсафаси ғолиб чиқишига умид уйғотади.

Кейинги бир неча йил ичида Ўзбекистон тинчлик-тотувлик ўлкаси, мурувват диёрига айланиб бормоқда. Тинчлик-тотувлик турли цивилизацияларнинг яшаш ва тараққий қилишининг шартидир. Ўзбекистон тинчлик-тотувлик ғайрат-шижоат билан ишлаганда, тинимсиз ҳаракатдагина барқарор бўлишини тўла исбот қилмоқда.

Тинчлик-тотувлик, мурувват диёри... Бу ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Тинчлик-тотувлик, мурувват осмондан чалпак каби ёғилмайди. У ЯРАТИЛАДИ! МУРУВВАТ ДИЁРИ ЯРАТИЛАДИ! У бутун халқнинг меҳнати, ижоди ва ғайратидан ҳосил бўлади. Мурувват диёрига олиб борадиган йўл фақат битта. Фақат биргина йўл бизни мурувват диёрига етказади. У ҳам бўлса фуқаролик жамиятидир. Фуқаролик жамияти — тинчлик-тотувлик, бахт-саодатнинг энг мустаҳкам гаранти-кафолатидир. Чунки ШАХС, ОИЛА, ФУҚАРОЛИК ЙИҒИНЛАРИ фақат шу жамиятдагина равнақ топади. Чин фуқарогина тинчлик-тотувликни унинг энг асил маъноларида қадрига етади ва унинг ҳимоясида ҳар қачон мустаҳкам, оғишмай туради. Чин фуқаро эса ўз навбатида фақат маърифатли оиладагина вояга етади. Барча демократик идораларнинг муваффақият билан иш кўриши охироқибатда яна Ўзбекистонда оилаларнинг даражаси, савияси, имкониятларига боғланади. Демократиянинг илк меваларини ҳам оила беради. Демократия оила ҳаёти ичига органик тарзда кириб бормагунча ва оилада ўз тамойилларини қарор топтирмагунча жамиятни ялпи қамраб олиши қийин. Демократик оила — ҳозирги замоннинг энг яшовчан ва энг қобил, энг ўзини замон ва келажакка мослаган оиладир.

Ватан ҳимоясига ҳам биринчи навбатда оила туради. Ватан ҳимоясининг биринчи синмас, нурамас ғиштлари оилада қўйилади.

Ўзбекистон раҳбари Президент Ислом Каримов яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида фуқаролик жамияти яратиш, фуқаролик жамиятининг кишиларини етиштириш ва мамлакат ҳаётини XXI аср арафасида ислоҳ қилишнинг бир қанча муҳим ғояларини илгари сурди. Чунончи, у мамлакат ҳарбий кучларини кириб келаётган улуғ замонага мослаш, уни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда илғор илм-техника асосида қайта қуриш масаласини ўртага қўйди. Президент ҳозирги замон армияси нималарга суянади, унинг мезонлари қандай? — деган саволларга жавоблар изланаётганлигини маълум қилди. Армиянинг қудрати унинг сонида эмас. Танкларнинг миқдори ҳам ҳозирги замонда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ҳозирги замон армиясида илм-техника маҳорати, унинг доимий тарзда янгиланиб бориши, ўта ҳаракатчанлиги, конфликт майдони ва ўчоқларини бир зумда қамраб олиши, узоқни кўриши ва ўрганиши, стратегик қобилиятини тинимсиз ўстириб, тарбиялаб, чиниқтириб бориши билан белгиланади. Президент ҳарбий ислоҳот ғоясини илгари суркан, миллий армиянинг ана шундай сифатларга эга бўлишини истайди ва бу хусусиятларни жуда реал тасаввур қилади.

— Вақти-соати келиб миллий армиямизда хизмат қилиш ихтиёрий бўлади. Йигит-қизлар армиямизда хизмат қилишни ҳавас қиладилар. Армия бу жиҳатдан албатта ўз имтиёзларига эга бўлиши зарур, — деди ўз ғоялари баёнида Президент.

Ватан ҳимоясига онгли тарзда отланишнинг беқиёс маъноси бор. Йигит-қизлар Ватан ҳимоясида ўзлари туришлари кераклигини биринчи даражали вазифа ва мажбурият деб билганларида ва ҳис қилганларидагина, ўз куч-иқтидорларини армия сафларида синовдан ўтказганларидагина тинчлик-тотувлик ўлкаси, мурувват диёри жаҳон миқёсида мустаҳкам ишонч қозонади.

Биз янги зиёли, илм-маҳоратли армия билан янги аср, янги ҳаёт, янги қарашлар бошланишига аминмиз. Мамлакатимиз бундай замонавий кучли ва қобил армияни яратишга қодир. Бундай армия бизга янги замон келаётганидан, халқимиз янги даражага кўтарилганидан, тарихининг янги саҳифасини дадил очганлигидан дарак беради.

Биз армиямиз ҳақида ўйлаганда, мамлакат армия учун ва армия мамлакат учун ишлайди деган принципни қўлланма қилиб олишимиз зарур. Бунда мардоналик, жўмардликни зиёлиликнинг бош белгиси деб тушунайлик. Шунда Президент орзу қилган армияга эришамиз. Уни халқнинг ўзи юрак қонидан яратади.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**



Ўз ишининг чеварлари...

*Луқма*

## МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ КЎЧАСИДАН ЎТИШМАГАНМИ?

**Яқинда хизмат сафари билан Қашқадарё вилоятига борганимда, ажиб бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Туманлардан бирининг ҳокимиятига бориб «Миллий тикланиш» газетасиданман. Менга материал тўплашга ёрдам беринглар, қандай камчилик, ютуқ ёки таклифлар бор» қабилидаги мурожаат билан масъул раҳбарлардан бирига учрашдим. Ҳайронлик ёки ёқтирмаганлик аломати юзида зоҳир бўлган хўжайин ўз ходимларидан бирини чақириб, менга ёрдам беришни буюрди. Ходим мени ўз иш хонасига киритиб дастлаб сўраган саволи шу бўлди:**

**— Шунақа газета ҳам борми?**

**Қисқа тушунтиришдан сўнг акахон иккинчи саволни берди:**

**— Шунча зарур ишлар турганда, газета ўқиш нечанчи даражада туради, ўзи?**

**Очиғи, мен бу саволга жавоб беролмадим. Унинг олдидан чиқдиму, ўйланиб қолдим: «Қашқадарёда газета ўқишмайдими?» Оғир ўй-хаёллар оғушида кетар эканман, қулоғим остида шоирнинг «Қачон халқ бўласан...» деб бошланувчи шеърий сатри ёдимга тушди. Уйга келгач, бир савол туғилганини сездим: «Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шундайми ё..?»**

**P.S. Обуна бўйича шуғулланувчи идора маълумотига қараганда, Деҳқонобод туманида «Миллий тикланиш» газетасига бир (!) дона ҳам обуна бўлмаган.**

**Воажаб! Деҳқонободда халқимиз, мамлакатимиз бораётган миллий тикланиш кўчасидан ҳеч ўтмаган кўринишади?**

**Бунинг давоси борми?**

**«МТ» мухбири**

*Шоулар бошланаётир...*

## ОТАНГИЗГА РАҲМАТ, ЮЛДУЗХОН!

1998 йилнинг якунида телевидениенинг «Ёшлар» канали орқали берилган байрам концерти кўпчиликнинг димоғини чоғ қилди. Умуман, ўша куни телевидениенинг барча дастурлари бир-биридан жозибали, қизиқарли кўрсатувлар билан чиқишди. Бу катта шоуда Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмоновадан тортиб мустақил республикамизнинг турли авлодига мансуб талай таниқли санъаткорлар иштирок этишди.

Концертда ўзбек, турк, рус, инглиз, италян, форс, испан тилларида тиниқ, жозибали қўшиқлар янгради. Гўзал, завқли рақсларни сел бўлиб томоша қилдик.

Байрам концертида Юлдуз Усмонова ўзини яна бир карра ёркин намоён этди. Унинг жасорати, юксак санъати, нозик таъби, фасоҳату малоҳатига таҳсин ўқимай илож йўқ.

Шунда Юлдуз Усмонова чет элларда ўз санъатини намойиш этиб, Европа томошабинларини ўзбекча куйлатганини эсладим. Қаранг, санъат миллат танламас экан: дунё ва унинг ўзгариб туриши ҳақидаги ўзбекча фалсафий қўшиққа немислар тик оёқда туриб, олқишлар билан жўр бўлдилар-а! Шундай лаҳзаларни кўрганда ғурурланмай бўладими!

Дарвоқе, миллий ғурур ҳақида. Халқимизнинг феъли, табиати ҳақида сўзлаганда, андишали, камтар, камсуқум халқ деймиз. Шу халқ фарзанди сифатида мен ўзимдан қиёс қиламан: қуллуқчилик, ҳар сабаб баҳона хушомадгўйлик қилиш, ҳамду санолар ўқиш маърифатли халққа ярашмайди. Халқимиз ўзига ишонган, ўз қадрини баланд тутган, ижобий маънода кибор халқ. Фақат буни ҳамиша ҳам ошкор қилавермайди. Биз ўзимизни кимдан кам қўямиз? Қадримизни ким олдида паст тутамиз? Ҳеч кимдан!...

Янги йил концерти мана шу ўз ғururini яхши англаган халқнинг санъат байрами бўлди. Юқорида айтдим, ўзбек санъаткорлари жаҳон халқлари қўшиқларини маромига етказиб куйладилар. Ўзбекистондаги чет эл дипломатик корпуслари ходимлари ҳам назаримда ўзбек ҳофизларининг улар тилларида айтган қўшиқларини мароқ билан тингладилар.

Томошабин бу концертда Мирзабек Холметов, Обид Асомов, Фарруҳ Зокиров, Ортиқ ва Улуғбек Отажоновлар, Нуриддин Ҳамроқулов, Кумуш Раззоқова, Нуриддин Ҳайдаров, Ғуломжон Ёқубов ва бошқа ўнлаб бугунда ном қозонган санъаткорлар ижодидан яхши баҳраманд бўлдилар.

Тўғри, санъатимиз бой, ранг-баранг. Шундай катта анжуманда ҳам вақт тақозосига кўра номдор артистларимизнинг барчаси жамулжам бўлолгани йўқ. Бу табиий. Бу катта байрам томошаси марказида Юлдуз Усмонова турди. Шунинг учун бу чиройли тузилган томошани эҳтимол «Юлдуз-Шоу» деб атаса балки муболаға бўлмас! Аммо шоуда қатнашган санъаткорлар ўзларини энг яхши томондан кўрсатди.

Айниқса, байрам санъат анжуманида ўзбек маданиятига катта хизмати синган устоз санъаткорларнинг иштирок этиши ворисийликнинг асл намунаси бўлди. Умрини ўзбек санъати равнақига бағишлаган атоқли ҳофиз Фахриддин Умаров, Гавҳар Раҳимовалар концерт файзига файз қўшдилар. Кўп гапириб нима қилдик. ТВнинг Янги йил дастури мустақилликнинг асл маънавий меваси бўлди!

**Маҳмуд САТТОРОВ**

Бир ўқ атрофида айланар дунё

### ИХТИЛОФЧИЛАР ҚОРАМОЛ ТАЛАБ ҚИЛИШЯПТИ

Тожикистон ҳукумат доираларининг хабар қилишларича, Тоғли Бадахшонда ихтилофчи гуруҳлардан бири деҳқонлар қўрасига бостириб кириб, улардан қўй ва қорамол беришни талаб қилганлар. Деҳқонлар рози бўлмагач, улар тўрт деҳқонни ўлдирганлар. Шу можарода яна бир қанча киши яраланиб, бир милиционер гаровга олинган.

**Яна бошқа хабарларга қараганда, Россия чегарачилари афғон-тожик чегарасидан Жанубий Тожикистонга ўтишга уринган гуруҳни ўққа тутдилар. Натижада чегара бузувчилардан тўрттаси ҳалок бўлди. Улар гиёҳванд моддалар сотувчилари бўлса керак деб тахмин қилиняпти.**

### НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВНИНГ ҒАЛАБАСИ

Қозоғистонда президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 58 яшар Нурсултон Назарбоев ғолиб чиқди. У шундай қилиб, яна етти йил президентлик вазифаларини адо этади. Республика Марказий Сайлов комиссиясининг кеча эрталаб тарқатган маълумотига қараганда, Назарбоевга сайловда қатнашганларнинг 78,33 фоизи ёқлаб овоз беришган.

Жаноб Назарбоев сайлов қутиси олдида ИНТЕРФАКС мухбирига берган жавобларида Қозоғистоннинг Россия ва Белоруссия иттифоқига қўшилиши борасидаги тахминларни қатъиян рад этди. «Қозоғистон мустақил давлат сифатида интеграция ташаббусларини ёқлайди», деди Президент.

### САПАРМУРОД НИЁЗОВ НОРОЗИ

**Туркманистон раҳбари Сапармурод Ниёзов туркман командаларига хорижлик спортсменларни тортишга мутлақо қарши эканлигини билдирган. У Ашхободда янги қурилган муҳташам стадиондан бутун халқ фойдалансин, деб айтган.**

**Жаноб Ниёзов ўз болаларига ҳар томонлама ҳомийликни кучайтириб юборган амалдорларнинг жиловини тортишга даъват этган. «Фарзандларга ғамхўрлик уларни вояга етказиш, ўқитиш ва уй-жойли қилишдагина намоён бўлсин, ота-боболаримиз удуми шундай», деган Президент.**

*Тадбиркорга таклифлар*

## СОПИ ЎЗИДАН ЧИҚАДИМИ?

Бу ғаройиб булоқ ҳақидаги гапларга эшитганларнинг кўпчилиги дастлаб ишонишмайди. Негаки, сиз Ўзбекистонда одам ҳеч қачон чўкмайдиган сув ҳавзаси борлигини кўрганмисиз? Бу афсона эмас, бор гап. Одамни кўтариб турадиган, юзасида чалқанча ётиб олиб, бемалол китоб ёки газета ўқиса бўладиган бу «сеҳрли кўл» (Маҳаллий аҳоли уни шундай атайди) Қашқа воҳасининг тоғли Хўжаипоқ қишлоғида жойлашган. Хўжаипоқ чашмаси номи билан довруқли бу шифобахш сув ҳақида халқ орасида турли-туман гаплар юради.

Мана улардан бири:

— Агар одамнинг гуноҳи кам бўлса, сув уни кўтариб турармиш, мабодо кўп бўлса, сув уни ўз домига тортиб кетармиш. Чунки бу ер пок одамларнинг макони ва бу ерга нопок кимсаларнинг қадам қўйиши ножоиз.

— Албатта бу гапларда қисман жон бор, — дейди биз билан суҳбатда қишлоқ амбулатория дўхтири Тўра Мирзаев, — лекин ҳамма сир сувнинг таркибида. Биринчидан, бу чашма ернинг чуқур қаъридан кучли босим билан отилиб чиқади ва тепаликлар билан ўралган ботиқ жойда диаметри 20-25 метр атрофидаги кўлни ҳосил қилади. Бу кўлдан кичкина ариқ оқиб чиқади. Иккинчидан, сув жуда шўр бўлиб, таркибида олтингугурт, калий ва темир моддалари кўп. Буларнинг бари сув ҳажмининг оғирлашишига олиб келади ва натижада одам чўкмайди. Бу сув ниҳоятда шифобахш. Венерик касалликларнинг барчасига даво. Ҳатто мохов касаллиги ҳам бу сувдан шифо топади. Шунингдек, бод, томир касалликларига ҳам фойдаси бор. Бу шифобахш сувнинг таркибини Тошкентдаги Семашко илмий текшириш институтидан мутахассислар текширишиб, санаторий қуришга рухсат беришган. Уларнинг хулосалари билан танишиб чиқишингиз мумкин.

Дарҳақиқат, бу ерга келувчи дардмандларнинг сони узилмайди. Қишда бу қишлоққа боришнинг ўзи бўлмайди. Тўғриси, йўл чатоқ. Озгина қисмига шағал тўкилган. Ёзда эса чанг. Балчиқ ва иссиқ сувга тушишни истаб келган беморлар тунашга, дам олишга жой тополмайдилар. Юзлаб енгил машина, 10-15 талаб автобусларда қўшни Тожикистон, Туркманистон давлатларидан ва мамлакатимизнинг турли бурчакларидан шифо излаб келган зиёратчилар бу ердаги шароитни кўришиб, фиғони фалакка чиқиб кетади. Бу аҳволни кўриб, келувчиларга ичингиз ачишади. Беихтиёр хаёлингизга «бу ерларга тадбиркор одамнинг нигоҳи керак» деган ўй келади. Ҳа, ростдан ҳам тадбиркорлик, ишчанлик, янгича фикрлаш керак. Бу хусусда Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, Қашқадарё вилояти ва Деҳқонобод туман ҳокимликлари ҳам озгина ўйлаб кўрсалар, яхши бўларди. Чунки шундай шифобахш ва даромад макони беэътиборлик туфайли қаровсиз ётибди. Биз қачон мудрашдан уйғонамиз, қачон теран кўз билан дунёга боқамиз?

**Содиқ НОРБОЕВ**







Кўқонда марказий банк филиали ишга тушди. Суратларда: банк бошқарувчиси (чапда) Абдусаттор Махкамов; оператор Венера Раҳимова.

*Сиёсий сабоқлар*

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ-ДЕМОКРАТИЯ ГАРОВИ

Бош ғояси Қонун ҳукмронлигидан иборат бўлган адолатли демократик фуқаролик,очиқ жамиятнинг ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари ва кўп вариантлари бўлиб, камдан-кам учрайдиган бундай очиқ жамиятга ҳеч монелик қилмайди.Мазкур ғоянинг энг муҳим жиҳати Президентимиз И. Каримовнинг жамиятни демократлаштиришнинг тамойилларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз раҳбари фуқаролик жамиятига таъриф берар экан, пировард мақсади ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат бўлганлигини алоҳида таъкидлайди.

Бундай давлатнинг тутган йўли узвий равишда аста-секинлик билан жамият бошқарувига ўтиш жараёнида қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадини ўз ичига олган бўлиб, у ҳуқуқий механизмнинг асосий таркибий қисмларидан бўлиб ҳисобланади.

Бундай жамиятда қонун устуворлигининг мавжудлиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Маълумки, юртбошимиз томонидан кўтарилган муҳим назарий масалалардан бири,бу Ўзбекистонда очиқ бозор иқтисодий муносабатларини шакллантиришдан иборатдир. Айни пайтда бу муаммо янгиланаётган ижтимоий муносабатларнинг муҳим шартига айланган.

Мана етти йилдирки, иқтисодиётда барқарорлик ва маълум даражадаги ўсиш аломатлари яққол кўзга ташланмоқда. Аммо иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар кўламини таққослайдиган бўлсак, уларни етарли даражада деб бўлмаслигини, яъни улар ўтиш даврида эндигина шаклланаётган бозор механизмларини таъмин этишгагина қодир бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунга объектив ва субъектив сабаблар бор, бу ҳақда Президентимиз 1998 йил декабр ойида Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда батафсил тўхталиб ўтди.

Янгилашнинг бошқарув тизимидаги ислоҳотларга нақадар боғлиқлигини кўпгина мамлакатлар тажрибасида кўриш мумкин.Айнан мана шу бошқарув санъатининг ислоҳ қилиниши иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг калити бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг икки услуби мавжуд. Яхши маданий ва қатъий-авторитар. Қатъий авторитар йўли орқали янги босқичга ўтишда ҳам бозор унсурлари мавжуд. Лекин узоқ муддатли жараёнда амалга оширилганда, бу йўл барқарорликка асосланган истиқболни таъминлашга қодирмикан? Масалан, шу йўлни танлаган Индонезия бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ўзига хос қийинчиликларни бошидан кечирдики, бу ҳол кишини ўйлантириб қўяди.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда қонунчиликнинг қатъий ҳукмронлиги муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Зеро, қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципи эканлигини ҳам яхши биламиз.

Ёввойи бозор нарсани-нарсага алмаштиришга асосланган бўлиб, унда қонунчиликка эҳтиёж сезилмайди. Қонунчиликка асосланган бозор иқтисодиётига ўтишни эса, фақат маданий йўл билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Буни ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида учратиш мумкин. Қонун устувор бўлмиш бундай жамиятда давлатнинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланган, ижтимоий адолат қарор топади, инсон ҳуқуқлари тан олинган. Ҳуқуқий давлатнинг асосий қуроли, ҳимоячиси бўлиб хизмат қилаётган қонунлар ҳамма нарсадан устун, уларга ҳурмат билан қараш, уларга сўзсиз бўйсуниш, риоя қилиш ва бузилишига йўл қўймаслик хусусиятлари кишилар онгига сингдирилган. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, бир мамлакатнинг бошқа мамлакат ички ишларига аралашмаслик тамойилига амал қилинади. Шу билан бир вақтда саноат ҳам ривожланади.

Мамлакатимиз собиқ тоталитар тузумининг узоқ йиллар давомидаги ҳукмронлик сиёсати туфайли биз бой жаҳон тажрибасидан узоқлашиб кетдик. Чуқур иқтисодий қийинчиликларга дуч келдик. Коммунистик психологиянинг таъсири остида ўзимизнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий манфаатларимизни амалга оширишда мушкулликларга учрадик. Ўша даврда ҳукм сурган бундай сиёсат бизнинг маънавиятимиз, дунёқарашимизда ҳам ўз аксини топди. Бу иллатларнинг бугун, мустақиллик шароитида ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани ғоятда ачинарлидир. Ҳуқуқий маданиятимизнинг етарли даражада шаклланмаганлиги қонунни айрим раҳбар шахслар томонидан бузилиши ҳоллари рўй бермоқда. Бу каби ҳодисалар айни пайтда демократик ривожланишимизга тўғаноқ бўлмоқда.



Бу шароитда жазо чораларининг кўпайиши, тартибни сақлаш ва шунга ўхшаш идоралар фаолиятининг кучайтирилиши давлат ҳокимияти тизимларида мансабни суиистеъмол қилишга чек қўяди деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Бироқ турли назоратларнинг чексиз даражада кучайтирилиши мансабни янада кўпроқ суиистеъмол қилишга, йўл очиши мумкин. Бу масалани ҳал этишнинг ягона цивилизациялашган йўли — вертикал, иерархик эмас, балки, энг аввало, горизонтал, шахслараро муносабатлар устувор бўлган фуқаролик жамиятини қуришдир. Улар жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади. Агар иқтисодий ҳаётнинг асосий негизи хусусий мулкчилик бўлса, уни амалга ошириш бўйича қилинган саъй-ҳаракатлар иерархияда вужудга келган «ёғлик жой» тамойилига амал қилувчи эскирган тақсимлаш муносабатларини тугатади. Шу билан бирга мулкдорлар табақасининг вужудга келиши бутун ижтимоий ҳаётни барқарорлаштиради. Ушбу омилларнинг узоқ вақт давомида мавжуд бўлмаганлиги бозор муносабатларига ўтиш шароитида нафақат бошқарувдаги инқирозни юзага чиқариши мумкин. Фуқаролик қонунчилигининг таъсирчанлиги ушбу омиллар учун амалда ҳуқуқий асос ва шароит яратади. Карл Поппер таъкидлаб ўтганидек, чинакам ёвуз жиноий қонунчиликка қарама-қарши зарурият — мақсади шахсий эркинлик, хотиржамлик ва бирдамликда ҳаёт кечиришдан иборат бўлган жараённи таъминловчи фуқаролик қонунчилиги бўлиб, бу буюк саодатдир.

Демократияга асосланган жамиятда ҳеч бўлмаганда оддий даражадаги ўзаро ишончнинг бўлиши даркор. Ғарб жамиятларида ишонч асрлар давомида айнан мулк эгаларининг келишув муносабатлари асосида яратилди. Бироқ бу жамиятларни ушбу мақсад сари тезроқ эришувларига илк даврдан бошлаб шакллантирилган қонунга, қонунчилик ҳокимиятига бўлган ишончдан бошқа ҳеч нарса олиб келолмаслиги шубҳасиздир. Бу, авваламбор, давлат ҳуқуқий институтларига ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллари — давлат хизматчиларига бўлган ишончни кўзда тутади. Улар томонидан йўл қўйиладиган иллатлар, яъни мансабни суиистеъмол қилиш ҳоллари амалга оширилаётган сиёсатга ишончни йўқотибгина қолмай, балки давлат бошқарувини инқирозга олиб келади ҳамда мавжуд барқарорликка путур етказади. Бундай суиистеъмол қилишнинг сабаблари кўпинча етарли даволанмасдан қаровсиз қолган касаллик хусусиятига эга. Бундай ҳолларда ҳам психологик, ҳам ташкилий-сиёсий тадбирлар мажмуасини қўллаш зарур. Назаримда касаллик асорати қолганидан сўнг, уни қайта даволаш керак.

Маълумки, Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида айнан шундай иллатлар билан касалланган раҳбарлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Тез орада кадрлар тайёрлашда тегишли ҳуқуқий ва ташкилий-сиёсий чораларни кўриш бундай иллатлардан холи бўлган, ёш кадрларни ҳуқуқий асосда танлаш ва тайёрлаш имконини беради. Ушбу чораларни амалга ошириш уларни яратиш ва қабул қилишдан кўра қийинроқ кечиши аён ҳақиқатдир. Бунинг учун эса аввало давлат хизматчиларининг мутлақо янги сафини тайёрлаш зарурдир. Ислоҳотлар ғояларини, қонунчиликни жиддий қабул қиладиган давлат хизматчиларини тарбиялаш ўз-ўзидан жамиятнинг янгиланишига олиб келади. Бу жараённинг эса узлуксиз давом этиши шубҳасиздир. Кадрларни жаҳон стандартларига мос дастурлар асосида ўқитиш, юқори лавозимга тайинлаш, касбий маҳоратини ошириш, қайта тайёрлаш кенг ошкоралик асосида амалга оширилиши зарур. Барча давлат хизматчилари ўз халқи манфаатларига адолатли қонунга таянган ҳолда хизмат қилиш руҳида тарбияланиши керак. Айниқса, улар давлат манфаатларидан бошқа, яъни ўзларининг тушунчалари бўйича талқин қилинган «олий манфаатларига» йўл қўймасликлари зарурлигини чуқур англаб олишлари шарт. Коммунистик бюрократия томонидан сингдирилган қўрқув ҳиссининг тутуриқсиз ҳукми анъаналарини енгиш учун давлат томонидан қонунга хизмат қилишнинг бутунлай янги, ихчам, ҳаётий анъаналарини яратиш зарур.

**Рустам ЖУМАЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор**

# «ҚАСИР-ҚУСУР» СИНГАН ЯХШИЛИК

Эртаклар доимо яхшилик билан тугайди, эртакчи халқнинг орзуси — яхшилик. Лекин ҳаёт эртак эмас, айниқса инсон ҳаёти. Тўғри, яхшиликка яхшилик қайтса-ю, хўп-хўп... Қайтмаса ҳам бир нав. Яхшиликнинг жавоби ёмонлик бўлиб чиқса-чи? Биз ҳаётда ҳам эртак бўлиб кўринадиган ва эртак бўлиб қоладиган воқеаларни кузатамиз, уларнинг хотимасини эса ҳаётнинг ўзи белгилайди, албатта.

...Бу воқеа қачонлардир, юртимизнинг чекка бир қишлоғи — Обчеккада бўлган экан. Қишлоқ ҳавоси ғоят мусаффо, табиати, гўзал. Ниҳоятда хушманзара жой. Айниқса, баҳорда атроф яшнаб кетади. Ёшлар аксарият чукри, қимиздиқ, тошбостириқ, гарч каби табиат инъомларини термоқ ниятида тоққа йўл олар эканлар. Иттифоқо, ёш бир йигит ўз ҳамроҳларидан олдинроқ кетибди ва уларни йўқотиб қўйибди. Қоронғу тушгунча дўстларини тополмай бир ўзи қолибди. Қурқув аралаш атрофни олазарак кезавериб, қўққисдан бир каттакон чуқурга йиқилиб тушибди. У қаттиқ бақирибди, одамларни ёрдамга чорлабди, тиқ этган акс садо қайтмабди. Йигит чамаси 5—6 метр келадиган, уни ваҳшатда қолдирган бу чуқурдан чиқмоқ учун кўп уринибди, бўлмабди. У ниҳоят, ҳолдан тойиб, тақдирга тан берибди. Ноумид, оёқ-қўли бўшашиб, ерга чўкибди, кўзини уйқу элитибди. Бир пайт атрофдан аввал «шитир-шитир» овозлар келиб, сўнгра дарахт шохларининг қасир-қусур сингани, япроқларнинг чирсиллаши эшитилибди ва юқоридан бир йўғон нарса чўзилиб, аста-секин йигитнинг ёнига тушиб келибди. Бу узунлиги 5—6 метрлар чамасидаги ўта баҳайбат илон экан. Йигит даҳшатдан каловланиб, ўзини йўқотиб қўйибди. Илон эса йигитни сезибди-ю, негадир унга тегмабди. Рўпарасида кулча бўлиб ётиб олибди. Йигит тун бўйи мижжа қоқмай илонга термулиб чиқибди. Тонг отгач, илон аста сирпаниб чуқурдан чиқиб кетибди. Кечқурун яна қайтиб тушибди. Хуллас, бу ҳол уч кун такрорланибди. Учинчи кун йигит батамом ҳолдан тойиб қолибди. Илон чиқиб кетаётган пайт «бор таваккал» деб илоннинг думига бор кучи билан осилиб олибди. Илон уни зулумотдан очиқ, ёруғ дунёга олиб чиқибди, билибми-билмайми, унинг ҳаётини сақлаб қолибди. Уни соғ-саломат кўрган ота-онаси, қон-қариндошлари севинчдан йиғлаб юборишибди. Йигит воқеани бироз сўйлаб берибди-ю, негадир илон ҳақида ҳеч нарса демабди. Эҳтимол, «барибир улар менга ишонишмайди ва жиннига чиқаришади» деб ўйлагандир... Орадан 3—4 йил ўтгач, бир куни бу хусусда ўз дўстига «ёрилибди». Дўсти аввалига ишонмабди. Йигит қасам ичгач, дўст уни аврай бошлабди:

— «Кел, дўстим, шу илонни тутиб, мўмай пул ишлаб оламиз!» Хуллас, икки йигит илон овловчиларни ахтариб топиб, уларга бўлган воқеани батафсил сўзлаб беришибди. Ўша чуқурни икковлон топганликларини, пойлаб ўтириб уни кўрганликларини айтишибди. Йигитлар уларни ўша чуқурга бошлаб келишибди. Пистирма қўйилибди ва минг машаққат ила илонни тутиб олишибди, «мўмай пул» ишланибди. Овчилар илонни ўзлари билан олиб кетишибди. Орадан анча вақт ўтибди, воқеалар унутилибди. Нима бўлибдию, бир куни йигит тоққа жўнабди. Тасодифни қарангки, у айланиб-айланиб ўша чуқур ёнига бориб қолибди. Хотирасида бўлиб ўтган воқеалар жонланибди. У узоқ ўй суриб чуқур лабида ўтириб қолибди. Бир пайт атрофдан шох-шаббаларнинг «қасир-қусур» синган овози йигитни ўзига келтирибди. У ўгирилибди-ю тош қотиб қолибди, чунки рўпарасида уни бир замонлар ўлимдан қутқазиб қолган даҳшатли илон ваҳшат-ла айри тилларини чўзиб, вишиллаб турган эмиш қандай қилиб бу ерга келиб қолди?» Йигит қўрққанидан ортига тисарилиб, чуқурга тушиб кетибди. Илон ҳам ўзини чуқурга ташлабди ва йигитни нобуд этибди...

**Эркин ХАЁНБОЙ ўғли**



Кенгашли тўй таркамас...

*Кутилмаган гап*

# ПУШАЙМОНЛИ ДУНЁ

## *Урф-одатларимизнинг баъзи жараёнларини кузатиб...*

Мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг тўй-маросимлар, миллий анъаналар, раҳбар шахс ва маънавияти ҳақидаги ўткир фикр-мулоҳазалари халқ ўртасида кенг акс садо берди. Президент халқнинг дилидаги ўй-фикрлар, орзуларни изҳор этди. Минглаб кишилар рўзнома ва ойномалар, радио ва телевидение, маҳалла йиғинларида, фаоллар мажлисларида И. А. Каримов фикрларини тўла қувватладилар ва яна бир талай янги таклифлар киритдилар.

Мени ҳам бу чиқишлар ўз фикр майдонига тортди. «Менинг ҳам файласуф сифатида бу борада айтадиган фикрларим бор-ку...» — деб халқимизнинг баҳс жараёнига жўр бўлишга аҳд қилдим.

Файласуф ҳозирги ҳаёт, воқеа, ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш билан чекланиб қолмай, бу ўзгаришларнинг илдизига, тарихига чуқурлашиб, келиб чиқиш, пайдо бўлиш сабабларини топа билиши керак. Нима учун ва қандай қилиб халқимиз шундай ўзига хос томонларни шакллантирган ва улар оғушида бўлган? Қандай ички куч халқимизни худди шундай йўлдан кетишга ундаган? — деган саволлар узоқлардан бери миямни банд қилар эди. Маълумки, урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар осмондан тушмайди. Улар халққа, миллатга юқоридан инъом этилмайди. Улар халқнинг амалий ҳаёти жараёнида, унинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун курашда аста-секин шаклланади.

Шундай экан, бу назарий хулосалар асосида халқимиз ҳаётида мавжуд ва ҳозирги пайтда тараққиётимизга путур етказаётган баъзи урф-одат, расм-русум ва анъаналарнинг асрлар қаърига кириб кетган тарихий илдизларини очайлик ва мустақиллик шароитига ҳамнафас эмаслигини кўрсатайлик.

Бу жумбоқ устида бош қотириб, калаванинг учини қидирдим. Ва... охир оқибатда мусулмон йил ҳисоби масаласига бориб тақалдим. Гап шундаки, мусулмон динининг илк ватани Арабистонда асрлар давомида, бошқа динлар вакилларидан фарқли ўлароқ, Қуёш (тропик) йили эмас, Ой йили асосида ҳаёт кечирганлар. Ажабо! Нима учун? Ахир, Қуёш йили, яъни Ер курраси Қуёш атрофида 365 кеча-кундузда айланиб чиқишига асосланган йил ҳисоби қулайроқ эмасми? Ой йили эса Ойнинг Ер курраси атрофида айланишини асос қилиб олади ва ҳар ой 29 кеча-кундузу 12 соат 44 дақиқага тенгдир. Натижада бир йил ўн икки ой — 365 кеча-кундуз эмас, 354 кеча-кундузга тенгдир. Қуёш йили билан Ой йилининг фарқи 11 кеча-кундуз! Бунинг амалиётдаги натижасини биз, мусулмонлар, кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз (масалан, рамазон ойи бир йил ёз фаслига, бир неча йилдан сўнг баҳор фаслига тўғри келади ва ҳоказо). Аждодларимиз ҳаётда Ой йилига асосланганлиги туфайли мусулмон оламида қатор ўзига хос хусусиятлар пайдо бўлган. Бу оламда Янги йилни кутиб олиш, таваллуд кунини байрам қилиш, тарихий шахсларнинг юбилейларини ўтказиш каби ўнлаб бошқа саналарни нишонлаш урф бўлган эмас. Кенг ислом оламининг баъзи қисмларида, албатта, бошқа қоидалар мавжуд бўлгандир, лекин мен билган ва мен яшаган мусулмонлар оламида шундай эди, яъни 30-йилларнинг ўрталаригача биз туғилган кун нима, Янги йил байрами нима, юбилей деган нарса нима, билмас эдик.

Табиий равишда савол туғилади: нима сабабдан мусулмон динининг илк яратувчилари бўлмиш арабларнинг аждодлари Қуёш йилининг ўрнига Ой йилини маъқул кўрганлар. Ахир, бунинг тарихий боиси, илдизи, сабаби бўлиши керак-ку! Ҳа, бундай сабаб бор ва тарихан асослидир. Мусулмон дини асрлар қаърида саҳролар, чўллар, дашту биёбонлар минтақаларида шакллана бошлаган. У юртлар булут нима, ёмғир нима билмаганлар. Бошқа юртлар аҳолиси иссиқ қидириб, қуёшга интилган бўлган, араблар, аксинча, қуёшдан қочганлар, бекинганлар, чунки у куйдирган, ёндирган, жон эгасини аямаган. Табиатнинг сокинлиги, муруввати қуёш оққанда ёки у йўқ пайтларда, яъни тунда намоён бўлган. Яратганнинг қудратига асрлар давомида чўлу саҳроларда яшаган араблар мадҳу санолар ўқиганлар, чунки у қоронғу тунни ёритадиган Ёруғлик манбаини осмонга жойлаштириб қўйганки, у, ҳақиқатан ҳам, Оллоҳнинг аъло кароматидир: ўн беш кун у кўз ўнгимизда, ўн беш кун қоронғуликда. Ўн беш кун давомида у секин-аста ўз чеҳрасини очар экан, бу вазифасини шошмай ва аниқ бажаради. Араб эллари учун инчунин Ой Қуёшнинг рақиби эди ва ҳаёт тарозусида у билан тенг ўрин эгалларди. Ойнинг Арабистон шароитларида, қиш билан ёзнинг моҳиятан фарқи йўқ минтақада, Қуёшга нисбатан яна қатор афзалликлари мавжуд эди... Ана шу боисдан ўнлаб қабилалар, юзлаб уруғлар Қуёшга йилига нисбатан Ой йилини маъқул кўрганлар. Ана шу анъанани мусулмон дини асосчилари, улардан эса барча мусулмон мамлакатлари қабул қилиб олишга мажбур бўлганлар.



Тарихнинг тақозоси билан Ой йили асосида турмуш кечирадиган араб қабилалари жаҳондаги энг кенг тарқалган уч диннинг (буддавийлик, христианлик ва ислом динлари) бирига бошчи бўлиб қолдилар. Уларнинг амри етиб борган барча ҳудудларда Ой йили киритилди. Марказий Осиё ҳам истисно эмас эди.

Ой календари бизнинг ҳаётимизга қандай таъсир кўрсатди? Таъсир анчагина жиддий бўлди. Биринчи хулоса шундан иборатки, Ой календари таъсири натижасида халқ нишонлайдиган турли байрамлар, саналар сони кескин камайди: Янги йил расмий равишда байрам қилинмасди, чунки у йил бўйлаб кўчиб юрар эди. Ўтмиш зардуштийлар давридан қолган Наврўз мусулмон динига нисбатан «ўгай» байрам эди ва унинг томонидан қўллаб-қувватланмас эди. Ой календари бўйича кишининг туғилган кунини белгилаш мумкин эмас эди, чунки таваллуд куни йил фасллари бўйлаб кўчиб юрарди. Шу боисдан тарихий шахслар, ёзувчилар, шоирлар, мутафаккирлар, эл-юрт зодагонлари, подшоҳлар, олимлар, кашфиётчилар, ихтирочилар, сайёҳлар, давлат арбоблари, паҳлавонлар ва ботирларнинг ҳам таваллуд кунлари, улар ҳаёти билан боғлиқ тарихий саналар нишонланмаган.

Натижада байрамлар, тарихий саналар, шодиёналикка ажратилган кунлар ҳисобидан мусулмон халқлари айниқса христиан халқларидан «орқада» қолганлар. Мутахассисларнинг ҳисобича, масалан, Европа халқларида бир йилда 35 дан 47 кунгача расмий байрамлар билан банд бўлган. Демак, ҳар 8—10 кунда бир байрам бўлган деган сўз (расмий, давлат, диний, минтақавий оилавий байрамлар ва расм-русумларга риоя қилиш). Мусулмонларда эса бу рақам 3—4 баробар камроқ бўлган. Шунинг натижасида Европа халқларининг «байрамни нишонлаш иштиёқи» йил давомида кўпроқ «парчаланган», ҳафта ва ойларга нисбатан тенг бўлинган, камроқ харажатли ва ортиқча дабдабасиз ўтган.

Мусулмон халқлари ўз ҳаётларидаги бу «камчилик»ни бошқа йўл билан «тузатганлар» ва «тўлдирганлар»: улар сон жиҳатидан кам бўлса-да, аммо кўлами, ўлчови жиҳатидан қиёссиз даражада катта ва кенг тўю томошалар ва марҳумлар хотирасига бағишланган маъракалар ўтказганлар. Бундай ҳолат фақатгина Ўзбекистон эмас, балки бутун мусулмон оламига тегишли эканини шундан ҳам билсак бўладики, ҳозирги пайтда дабдабали маросим ва маъракаларга қарши кураш фақат биздагина эмас, мусулмон оламининг барча бурчакларида олиб борилмоқда. «Труд» газетасининг 1998 йил 24 декабр сонида ёзилишича, Бирлашган Араб Амирликларида бу тўғрида махсус қонун қабул этилган бўлиб, дабдабали никоҳ тўйлари ўтказган шахсларга нисбатан қамоқ жазоси ёки 137 минг долларгача жарима солиш кўзда тутилган. Мусулмон оламининг бошқа бурчагида. — Татаристонда ҳам шу каби чоралар кўрилаётганлиги тўғрисида хабарлар матбуотда пайдо бўла бошлади.

Аммо, ҳозирги даврда бу борада Ўзбекистоннинг ўзига хос томонлари ҳам бор. Гап шундаки, истибдод тузуми миллатларни қўшиб юбориш сиёсатида ўзбек халқини Ўрта Осиёда «дарғa» сифатида танлаган эди. Халқимиз, табиийки, бунга қарши эди. Ўша даврдаги ҳукмрон мафкура ва тузум шароитида халқ фақат бир йўл билан ўзини намоён қила олар эди. Ана шундай шароитда миллат ўзини сақлаб қолиш учун ўз миллий анъаналари, расм-русумлари ва урф-одатлари оламига чуқурроқ чўмишга мажбур бўлди. У шу йўл билан ўзлигини, ғурури ва ифтихор ҳиссини сақлаб қолди. Миллий доирада ўтказилган тўй, маърака ва бошқа тадбирлар ўзбекларга ўзларини бирлик, миллат, миллий умумийлик сифатида сезиш, англаш имконини берди.

Масалага ана шундай изчил илмий ёндашсак, нима сабабдан истибдод йилларида ўзбек халқи тўй-томоша, турли тантаналар ва маъракаларга алоҳида эътибор бериб, уларни ташкил қилиш ва ўтказишда анча маҳорат чўққисига чиққанлигининг сабабларини тушуниб оламиз.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар асосида қандай хулоса ясамоқ зарур, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб берарканмиз, шу нарсага биринчи навбатда эътиборни жалб этайликки, халқимизда тарихан шаклланган дабдабали тўй-томошалар ва маъракаларнинг иккала илдизи ҳам ҳозирги даврда томир отмаган; у ҳам бўлса шундан иборатки, биз аллақачонлар Ой йилидан воз кечиб, инсониятнинг кўпчилиги ва энг ривожланган қисми фойдаланаётган Қуёш йилига кўчдик. Ва, иккинчидан, истибдод тузумини барбод этиб, мустақил Ўзбекистон давлатини яратдик. Миллатимиз, жаҳоннинг барча ривожланган миллатлари сингари, эркин тараққиёт йўлига чиқди ва ҳеч бир вақт бу йўлдан оғмаяжак. Ҳозирги дабдабали тўй-томошалар давр талаби ёки миллатнинг ички эҳтиёжи эмас, балки онги, тафаккури замонга ҳамнафас бўлмаган кимсаларнинг чуқур ўйланмаган ҳаракатлари натижасидир. Кўпларимиз, тан олайлик, янги ҳаётимизни тўла англаб олганимизча йўқ ва улар орқасидан эргашишни, эски даврлардагидек, давом эттирмоқдамиз.

Мустақилликка эришиб, биз ўз олдимизга буюк ва олижаноб мақсад қўйдик: Ўзбекистонни замонимизнинг илғор ва ривож топган давлатларидан бирига айлантириш. Шундай экан, бизнинг вазифаларимиздан бири шундан иборатки, илғор, ривожланган давлатларда ҳозирги даврда тўй-томоша, маърака, юбилейлар ва шу каби тадбирлар қандай уюштирилади, уларнинг кўлами ва тартиби қанақа, — шу нарсаларни синчиклаб ўрганмоқ зарур. Маданият ана шундай «майда-чуйдалар»ни ўрганиш ва ҳаётга ижодий татбиқ этишни ўз ичига олади. Биз ўзгалардан ўрганайлик, лекин миллийлигимизни сақлаб қолайлик ва янада мустаҳкамлайлик. Бой ва илғор бўлмоқ учун тежамкор ва тадбиркор бўлмоқ зарур. Шуларни кўзда тутиб, давримиз ва миллатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришларни чуқур ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, ислом оламида биринчи бўлиб, ўтмишда шаклланган анъаналар, урф-одатлар ва расм-русумларга муносабатни тубдан ўзгартириш кераклигини, уларни танқидий қайта кўриб чиқиш даркорлигини, бу эса илғор давлат, ривожланган миллат ва фуқаровий жамият даражасига кўтарилишнинг зарурий шарти эканлигини асослади ва бунга бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб этди.

Бу улуғвор ва олижаноб вазифани бажариш — ҳар биримизнинг мустақиллик, миллат ва келажак олдидаги вазифамиздир.

**Қўчқор Хоназаров**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**



Ўтмиш ва келажакни боғловчи кўприк.

# БОЙ БЎЛИШ ЁМОНМИ?

Мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси ҳақида сўз кетар экан, гап охир-оқибат яратилган, яратилаётган моддий бойликларга, улардан самарали фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришда қатнашаётганларни адолатли тақдирлашга бориб тақалади. Айтиш мумкинки, жаҳон ҳамжамиятида давлатларнинг ўрни, обрўси уларнинг иқтисодий салоҳияти, аҳолининг истеъмол даражаси, ижтимоий ҳимояланганлиги, ободончилик, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим тизимларининг, транспорт алоқаларининг ривожланганлиги, яъни элнинг фаровонлиги билан ўлчанади. Хўш, жамиятнинг асоси бўлган оилада моддий фаровонлик қандай аҳамият касб этади? Маълумки, кишилик тараққиёти «кичик жамият» ҳисобланган оиладан бошланади. Жамият эса маънавий ва моддий асосга эга бўлиб, ушбу асосларнинг омухталигида ривожланади. Оила микёсида эса ҳар бир ота-она ўз фарзандининг камолоти учун жавобгар, шу боис унга тегишли шарт-шароитлар яратиши керак. Ота-онанинг ўқитувчи, тарбиячи ёллаб, китоблар сотиб олиб бериб, чет элларда ўқитиб уни етук инсон қилиб тарбиялаш учун қилган ҳаракатлари аслида табиий ҳолатдир. Шунингдек, вояга етказган ота-онасининг моддий ҳаёт шароитларини, соғлигини яхшилаш тўғрисида ўйлаши ҳар бир фарзанднинг одамийлик бурчидир.

Оиланинг турмуш шароитларини яхшилаш, дейлик агар оила бошлиғи олим бўлса ёзув-чизувларни осонлаштириш, ишларини тез рўёбга чиқариш учун компютер, илмий китоблар сотиб олиш, сафарларда бўлиб маълумот йиғиш, кутубхоналарда шуғулланиш учун ҳам анча маблағ керак.

Лекин буларнинг барчасини амалга ошириш учун киши моддий бойликка эга бўлиши зарур. Жумладан, компютерга эга бўлиш учун уларни яратиб, менгача етказиб берганларнинг мураккаб, алоҳида баҳоланадиган меҳнати ҳақини тўлашим керак-ку! Акс ҳолда меҳнат, малака қадрсизланиб, кишилик ҳаётининг маънавий юксалиши учун зарур бўлган воситаларни яратишга рағбат бўлмайди (олдинги шўро тузуми инқирозининг асосий сабаби—рағбатнинг ишлаб чиқарувчилар талабига жавоб бермай қолгани эди). Демак, моддий бойлик маънавий бойликларнинг кўпайишига хизмат қилади, яъни моддийлик маънавий ўсишнинг асосидир ва иккаласи биргаликда жамиятнинг бойлигини ташкил қилади!

Ибтидоий жамоа тузумидан тортиб шу кунгача бўлган одамзот ҳаётини ўрганиб чиқиб, жамият ҳаётида бойлик ва қашшоқлик ўртасидаги кураш жуда кўп касофатларнинг сабабчиси бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин. Кишилик ҳаётини, одамларнинг ўзаро муносабатларини яратилган ва яратилаётган бойликлардан ўз улушини олишга интилиш деб ифодалаш мумкин.

Жамиятнинг адолатлилиги тўғрисида кишиларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра бойлик ёки қашшоқликни шахсан ўзлари танлашларига имконият яратиб берилганига қараб хулоса қилиш мумкин. Бойлик билан қашшоқликнинг моддий белгилари ўртасида киши турибди ва улардан қайси бирига эришиш унинг ҳаракати, шижоатига, тер тўкиб заҳмат чекишига, ўзининг бор имкониятларини, ижтимоий фаоллигини юзага чиқаришига боғлиқ деб фараз қилайлик. Бундай шароитларда кишиларнинг ўзларига шу иккита қутбнинг қайси бирини танлашса, жамиятда бойлик ва қашшоқлиқ, бой ва камбағал ўртасида ўзаро муроса пайдо бўлади. Ҳасад ва аламзадалик каби қусурларнинг асослари янада торайди. Бунинг учун эса жамият ҳаётида аллома НасириддинТусийнинг«...Адолатнинг учинчи талаби эса барчаҳинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиши билан бирга фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратишдан иборат» шартига амал қилиниши мақбул. Бу шароитда моддий бойлик кишилик жамиятининг маънавий ва моддий тараққиётига хизмат қилади. Зеро, жамият ҳаётида самарали иқтисодиёт, маънавият ва маърифат, ҳалоллик, бойлик тушунчалари ўзаро боғлиқдир. Моддий бойликларнинг кишилик ҳаётидаги ўрни инсониятнинг маданий меросларида, қадриятларида ҳам алоҳида қайд қилиб ўтилган.

Ҳадисларда «Ҳар бир мусулмонга ҳалол ризқ исташлик фарздир. Мўминларнинг молини ноҳақ ўзлаштирадиган кишилар қиёмат кунида дўзахга тушурлар. Бирор одам ўзидан моли кўпроқ, хулқи яхшироқ кишига ҳаваси келиб қараса, орқасидан ўзидан пастроқ ҳолатдаги кишига ҳам қарасин. Енглар, ичинглар, кийинглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар», дейилади. Яъни ҳаётда ҳалоллик билан яшаш тўғрисидаги ислом таълимоти кишининг бойишини ҳалоллик билан амалга ошишини тарғиб қилади, қўллаб-қувватлайди.

«Қобуснома»да Кайковус ўз ўғлига «Эй, фарзанд, ўзингни мол жам этмакдин ғофил тутмагил ва лекин ҳар нарсани этмак тиласанг жаҳд қилғил, токи ҳалоллик билан жам бўлсун ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимли бўлсун...Чунки молсиз одамнинг ҳеч қадри бўлмағусидир. Ҳалойиққа бойнинг ҳеч фойдаси бўлмаса ҳам, уни дўст тутгусидир,

## *Вақт — энг катта бойлик*

ҳеч зарари етмаса ҳам қашшоқларни душман тутгусидир. Бас, халққа қашшоқликдин ёмон ҳол йўқдур», деб панд-насиҳат қилган.

Моддий бойликка эришиш киши ва жамият ҳаётининг зарур омилларидан бири десак янглишмаймиз. Энг асосий муаммо эса моддий бойликларга ҳалоллик билан эришишни таъминлашдир! Бойлик кишининг маънавий бойиши, юрт, мамлакат фаровонлиги, илм-фани, маданияти ривожи учун хизмат қилиши керак. Бойлик унинг оқибати билан ўлчанади. Бойлик фахрланиш, кибрланиш, кишилар устидан ҳукмронликка эришиш воситаси деб қаралмас экан, вақтни ҳам бойлик билиб яшаётган бой кишилар юртнинг бойлигидир. Бой киши бошқаларнинг ҳам бой бўлишини истаб, ўз бойликларини юрт бойлигини кўпайтиришга сарфлар экан, демак, мамлакат ҳам бойдир.

**Баҳодир РЎЗМАТОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди**

# БИРОДАРЛАР БАҒРИДА

Машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат ўз эсдаликларидан бирида шундай ёзган эди: «Биз классик деганда нимани тушунамиз? Қандай санъаткорларни шундай дея оламиз? Менимча, санъаткор, ўз даврида ўзига хос усул ва услуб ярата оладиган шахс бўлиши лозим».

Мен бу сўзларни ўқиганимда кўз ўнгимда Эшреф Шемъизода сиймоси жонланади. У умр-бўйи адабиётнинг юксак эътибори учун курашди, билим ва салоҳиятини адабиётга сарфлади.

30-йиллар қрим-татар адабиётида лирик шоир сифатида танилган Шемъизода 1908 йил Евпатория шаҳрида туғилди. Хатсаводини чиқаргач, аввалига қишлоқда қироатхона очди, ўқитувчилик қилди, кейин Қримда лотин ёзувида нашр қилинган «Кўз ойдин» журналига бош муҳаррир бўлди. 1930-1932 йиллари Москвадаги Кинематография институтида таҳсил олиш билан бирга машҳур татар шоири Мусо Жалил билан «Кичкина издошлар» журналини ташкил қилди. 1932 йили Қримга қайтган шоир Давлат нашриётида бадиий адабиёт бўлимини бошқарди, ўрта мактаблар учун адабиёт дарсликлари яратишда иштирок этди.

1936 йили Қрим ёзувчилари уюшмасининг котиблигига сайланган шоир таржима ишларига бош-қош бўлиш билан бирга Шекспирнинг «Ўн иккинчи кеча» фожиасини, Пушкин, Мицкевич, Лермонтов, Низомий, Навоий ва бошқа шоирларнинг асарларини ўз она тилига ўгирди. 1937 йили Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан унинг «Боғчасарой фаввораси» достонини таржима қилди. Адабиётшуносларнинг фикрича, бу улуғ шоирнинг туркий тилларга ўгирилган энг муваффақиятли асарларидан биридир.

Қатағон йилларида Эшреф Шемъизода кўпгина устозлари ва қаламкаш дўстларидан айрилиб қолди. Уни тушкунлик шеърияти вакили, буржуазияга хос муҳаббат куйчиси сифатида айблаш авжига чиқди. Гарчи у қамалмаган бўлса-да, Қрим ёзувчилар уюшмасининг котиби вазифасидан бўшатилиб, мажбуран адабий муҳитдан четлаштирилди.

Уруш фалокати ва халқининг ватанидан сургун қилиниши оқибатида Ўзбекистонга келган Эшреф Шемъизода 1943-1944 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Фарғона бўлимида масъул котиб бўлиб фаолият кўрсатди. Оғир уруш йилларида Фарғонага кўчириб келтирилган Москва, Украина ва Белоруссиялик қиркдан ошиқ ёзувчи билан бирга сиёсий муҳожирликда бўлган поляк ва немис адибларининг моддий ва маънавий турмушларини таъминлашда Шемъизоданинг ташкилотчилик қобилияти жуда қўл келди. Бироқ бу ерда ҳам шоирнинг бошига кулфат тушди. Бир мунофиқнинг юмалоқ хати туфайли ёзувчилар орасида советларга қарши тарғиботчи сифатида айбланиб, кўп йил лагер азобларини бошидан кечирди. Халқлар доҳийсининг вафотидан сўнг Ўзбекистонга қайтган шоир яна аста-секин ижодини давом эттирди.

1956 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қрим-татар адабиёти ва санъатини жонлантиришга рухсат этилди. Шомил Алядин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Эшреф Шемъизода адабиёт ва санъат нашриётида шахсга сиғиниш туфайли ижодий жараёндан маҳрум этилган қрим-татар ёзувчиларининг бошини қовуштиришга киришдилар. Эшреф оға 1958 йили нашриётнинг шарқ мамлакатлари адабиёти бўлимида катта муҳаррир, сўнгра мусиқа ва санъат бўлимининг мудири вазифаларида ишлаб, бир қанча адабий асарларни ўқувчиларга етказишда ўз ҳиссасини қўшди.

Зотан, Эшреф оғанинг ўзбек ёзувчилари билан ижодий ҳамкорлиги ўттизинчи йиллардаёқ бошланган эди. Кинематография институтида у шоирлар Усмон Носир, Темур Фаттоҳ, драматург Собир Муҳамедов ва кинорежиссёр Комил Ёрматов билан бирга таҳсил олди. Қрим-татар мунаққиди Мамут Недимнинг кўмагида шу ерда бўлган Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон билан танишди. Кейинчалик Эшреф оға бу ҳақда шундай ёзган эди: «Шоир ва драматург бўлган Чўлпон яхшигина таржимон ҳам экан. У рус ва турк тилларида эркин сўзлашар, ғарб адабиётидан ҳам хабардорлиги сезилиб турарди. Ўрта бўйли, тўлачадан келган Абдулҳамид юмалоқ гардишли инглиз кўзойнаги тақиб юрарди. У жуда серандишали, одамларга бехосдан озор бериб қўйишдан чўчийдиган кўнгилчан ва чинакам шоир эди.

У адабиётдан завқланар ва унинг руҳи билан яшарди. Советлар даврида ўзбек адабиётида шахсий фикрига содиқ бундай бошқа ижодкорни билмайман. Мен илк бор Чўлпон ижоди билан Бекир Чўбонзода кўмагида 16 ёшли ўсмир чоғида ёзиб, «Садойи Фарғона» газетасида 1914 йили бостирган «Туркистонли қардошларга» ва «Маърифатпарвар бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспиринский ҳазратлари ҳақида таъзияномамиз» шеърларини ўқиб танишдим.



Суратда: Эшреф Шемъизода қаламкаш дўстлари билан.

## *Ёдимиз лавҳалари*

Чўлпоннинг қрим-татар зиёлилари ўртасида эътибори жуда баланд эди. Унинг «Кеча ва кундуз» романи нашр қилингач, биз уни қўлма-қўл олиб ўқиган эдик. Бизга унинг ижоди билан халқимизни таништириш насиб бўлмади. Ўзбек ва қрим-татар маданий алоқаларини тадқиқ этишни кўпдан бери орзу қиламан».

Эшреф оғанинг Ўзбекистон ёзувчилари сафидаги ижоди ҳам самарали бўлди. Унинг Ўзбекистон ҳақида ёзган шеърлари ва ўзбек адабиётидан қилган таржималари китобхонларга манзур бўлди.

Шемъизода Зулфия шеъриятининг шайдоларидан бири бўлиб, унинг энг яхши туркумларидан 53 та шеърини қрим-татар тилига ўгириб «Куйларим сизга» номи билан 1972 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр эттирди. Бу тўплам қрим-татар таржима адабиётининг таҳсинга сазовор намуналаридан бири бўлиб қолди.

Шоир олтмишинчи йилларда «Сивизға» (1965), «Бургут қоя» (1969), «Шеърлар ва достонлар» (1978) тўпламларини нашр қилдирди.

Қрим-татар халқининг фашист босқинчиларига қарши жасоратига бағишланган «Алиме», миллий ва диний урф-одатларни тараннум этган «Аслихон» достонлари ҳам шу даврда яратилди.

Эшреф Шемъизода умрининг сўнгги йилларида бадиий танқид ва тадқиқот ишларига киришиб, қрим-татар адабиёти тарихи билан боғлиқ манбаларни ўрганиш билан машғул бўлди. XIV асрда яшаган ва ижод қилган Абдулмажид афандининг йигирма минг мисрадан иборат шеърий асарларини тиклади. XVII аср қрим-татар мумтоз адабиётининг сардори Ошиқ Умарнинг асарларини излаб топиб, тадқиқ этди. Бекир Чўбонзода, Мемет Нузэт, Абдураҳмон Қодирзода каби шоирларнинг асарларини тўплаб, уларга тартиб берди. Унинг тинимсиз изланишлари туфайли, қрим-татар адабиётининг муҳим муаммоларига бағишланган адабий мақолалар тўпламлари нашр этилди.

Адиб етмишинчи йилларда «Қрим-татар адабиёт тарихи» устида ишлади. Уч жилддан иборат бўлиши режалаштирилган бу тадқиқотнинг 1-жилди «Қрим-қипчоқ адабиётининг қадимий даври (XVI-XVIII асрлар)», 2-жилди «Ўрта асрлар қрим-татар адабиёти (XVI-XVIII асрлар),» 3-жилди «Янги давр қрим-татар адабиёти (XIX аср ва XX асрнинг биринчи чораги)» бўлиши кўзда тутилган эди. Афсуски, бу ишни охирига етказиш унга насиб этмади.

Эски ўзбек тилини, ўзбек адабиётини ва Ўрта Осиё тарихини мукаммал билган Эшреф оға 60-70-йилларда расмий илмий муассасаларнинг илтимоси билан ўзбек ёзувчиларининг, олимларининг сиёсий-тарихий, адабий-бадиий китоб ва қўлёзмаларига 500 га яқин ички тақриз ёзди. Бир неча китоблар ва таржима асарларга муҳаррирлик қилди. Бу билан у ўзбек адабиётининг юксалишига ҳам баҳоли қудрат ўз улушини қўшди.

Адабиёт бир уста ишга чиқмаса, ўрнига бошқаси ишлай оладиган қурилиш майдони эмас. Адабиётда усталар бирибирларининг ўрнини боса олмайдилар, чунки ҳар бир буюк адибнинг ижоди ундан қолган мероснинг салмоғи билан ўлчанади. Сўз санъатида ўз йўли ва ўз ўрни бўлган Эшреф Шемъизода нафақат қрим-татарларнинг, балки барча туркий халқлар маданиятининг ифтихори эди.

Қримдаги Оқчўра қишлоғи қабристонидаги устида гранитдан ясалган ёдгорлик бўлган қабр энди Эшреф Шамъизоданинг абадий макони. Шоирнинг бошточига ўзининг шу сўзлари ёзилган бўлиб, улар авлодларга Эшреф оғанинг барҳаёт сасини эслатиб туради:

**Эл орзуси эркин ўлса,**
**Эл орзусин эр оқлар.**
**Шоир сўзи мерган ўлса,**
**Шоир номин эл сақлар.**

**Сафтер НАГАЕВ,**
**қрим-татар адиби**

## *Эшреф ШЕМЪИЗОДА*
## ТЎРТЛИКЛАР

**— Ҳаёт, ҳаёт! — демоқ ила, ҳаёт**
**осон билинмас,**
**Бу дунёнинг ўнқир-чўнқир**
**кўчасига тушмасанг.**
**Ёзаётган асарингнинг тоти-тузи**
**сезилмас,**
**Сиёҳингга андаккина ўз қонингдан**
**қўшмасанг.**

***

**Иш бошласанг сўнгига чиқ,**
**мушкулликдан тортинма,**
**Агарда халқ фойдасига хизмат**
**қилмоқ истасанг.**
**Боғбон деган минг тиканнинг**
**аламига кўнади,**
**Боғчасида бир гул бута**
**кўкартирмоқ истаса.**

***

**Ай, Петрдан кун чиқишин кўриб,**
**қотиб қолганда,**
**Ҳайратдан лол қувонмасак, кимга**
**керак бу кўзлар?**
**Рафаэлнинг «Сикстинли**
**мадоннаси» олдида**
**Агар бизлар тиз чўкмасак,**
**кимга керак бу тизлар?**

# МАЪРИФАТНИНГ ЭЗГУ ЙЎЛЛАРИДА

Инсон зоти яралибдики, мудом залолатдан қочади, дунёвий камолотга, зулмат чоҳидан ёруғликнинг покиза сарҳадларига, ёввойилик ва қашшоқлик қўрғонидан маданият, илм-фан гулзорлари сари интилгани интилган... Инсоннинг тириклиги учун тоза ҳаво нечоғлик зарур бўлса, илм-маърифат, ижтимоий-дунёвий онг ҳам шунчалик керак. Аслида инсонни ўзга мавжудоту махлуқотлардан фарқловчи, онгсизлик ва жаҳолат билан инсоний тафаккур ўртасига бир оловли чизиқ тортгувчи манба ҳам илм-маърифат, уни ҳақиқат жарчиси деб қарамоғимиз аслиятга яқиндир. Маърифатпарвар кишилар ўзларининг холисона хизматлари билан замонанинг тинчлигу осойишталиги, юрт фаровонлиги-ю, миллатнинг камолоти йўлида фидойилик кўрсатадилар.

Фидойилик нима ўзи? Фидойилик нима учун зарур ва у аввало нималарда намоён бўлади? Шубҳасиз, ҳар бир миллатнинг ўз ҳаётини шу юрт камолоти, ёш авлод тарбиясиға бахшида этаётган, фахр қилса арзийдиган фарзандлари бўлади.

1969 йил Термиз давлат педагогика олий билимгоҳини тамомлаб ўзи вояга етган Шўрчига қайтиб келган Тожихол опа Худойбердиева дастлабки иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. Бир муддат ўтгач, туман халқ таълими бўлимида услубиётчи сифатида ва ниҳоят, орадан бир йил ўтиб, Шўрчи туман «Лола» номли 8-болалар боғчасида мудира вазифасида ишлай бошлади. Тожихол опа кейинги 30 йиллик умрини мазкур боғчага, гулғунча ўғил-қизларга бахшида этди.

Тожихол опа бу ерга ишга келганида боғча эндигина фойдаланишга топширилган эди. Янги бинода иш бошлаш, билимли ва тажрибали тарбиячиларни танлаш, бундан ташқари, боғча хоналарини болалар дунёсига хос тарзда жиҳозлаш, хуллас, тарбия ишларини намунали изга солиш осон кечмади. Мурғак қалбларга яхшилик уруғини жойлаш шарафи, шиори поклик ва тўғрисўзлик деб аталувчи болаликнинг беғубор оламига умрбод бир нақшинкор хотира ва эсдалик гулларини солиш, ушбу тоза олам аро бир нафис чечак янглиғ қолиш улуғвор ва мушкул. Содда ва самимий, тез илғовчан ва ишонувчан болакайларга илму маърифат, эзгулик ва нафосат, меҳру оқибат сабоқларини бериб мактабларга хушнуд кузатган Тожихол опанинг ўз шогирдларидан олгани-да самимият, тўғрисўзлик ва тўғридиллик бўлди.

Мазкур боғчада бўлганимизда болалар тарбия топаётган хоналарни бирма-бир кўздан кечирар эканмиз, Тожихол опанинг бизни боғча шароити билан таништиришда, қисқа ва маънили сўзларида, болаларга хос беозор ҳаракатларида нурли қалбнинг ёруғ интилишларини илғадик, ўзига бўлган қатъий ишончни ҳис қилдик.

Ҳар битта гуруҳ учун алоҳида ўйин хонаси, дам олиш хонаси, кийиниш, ювиниш, ўқув-услубиёт хоналари мавжуд. Бундан ташқари маънавият хонаси, спорт зал, мусиқа зали, шунингдек, ҳамширалар учун алоҳида хоналар ажратилган.

Тожихол опа устоз кўрган шогирдлардан. У киши ўқувчилик йилларциданоқ устозлари — Эгамберди Мирзаев, Гулчеҳра Сатторова, Саломат Бобохонов, Эрмат Муҳаммадиев сингари халқ таълими фидойиларининг қўлида сабоқ кўрди. Улардан нафақат таълим-тарбия бермоқни, балки ҳаёт дарсини ҳам ўрганди. Устозлар меҳрини топиб эл кўзига тушган фидойи, меҳнаткаш инсонлар ҳукуматимизнинг ҳам эътиборида албатта. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони Тожихол опанинг ишига унум, оиласи ва меҳнат жамоасига чексиз қувончлар улашди, интилишларига қанот бағишлади.

— Боғчамизда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, бичиш-тикиш, эртаклар оламида, каштачилик, мусиқа тўгараги ва инглиз тили ҳамда лотин алифбосига асосланган машғулотларига тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари жалб этилган. «Уч бошли аждарҳо», «Ака-ука ботирлар», «Ёрилтош», «Ипак йўлидаги туялар карвони», «Раққоса аёл», «Тоғдаги кийик», «Арафада туширилган келинчак» сингари эртак ва ҳаётий воқеликни акс эттирувчи тимсолий қўғирчоқлар мажмуаси тарбияланувчиларимиз учун тартибга келтирилган. Бундан ташқари икки қаватли боғчамизда бирор жой йўкки, унда бурчаклар, турли безаклар ва суратлар осилмаган бўлсин. «Экология», «Соғлом авлод учун», «Мустақиллик», «Ота-оналар»,

## *Тикланиш одимлари*

«Амир Темур», «Боболаримиз — фахримиз», «Мусиқа», «Болалар ҳаётидан» сингари гуруҳ бурчаклари фақат кичкинтойларимиз маънавиятини ўйлаб қилинаётган амалий ишлар сирасидандир.

Тўғрисини айтганда, тарбия фақат тўгараклар, хилма-хил бурчаклар жорий қилиш ёки уларда акс этувчи ҳаёт ва табиат манзараларидангина иборат эмас. Тарбия замирида тинимсиз изланиш, заҳматли меҳнат машаққатлари ётади. Кичкинтойларнинг беғубор онгига миллий ифтихор, урф-удумлар, анъана ва қадриятларимизни боғча ёшиданоқ сингдиришдек улкан масъулият бор. Аслида, кишининг қандай инсон бўлиб етишмоқлиги боғча даврида шаклланиб улгурган кўникмаларига ҳам боғлиқ. Ҳар бир тарбиячи, ҳар бир маорифчи шу масъулиятни чуқур ҳис қилмоғи, иш дастурини шу асосда олиб бормоғи лозим, — дейди Тожихол опа Худойбердиева.

Ташрифимиз чоғида тарбиячи Анорхол Амированинг гуруҳи билан танишдик. Мунчоқдай тизилишиб олган, бир-биридан ширин 18 нафар кичкинтойга Анорхол опа гуруҳнинг қўғирчоқ театр саҳнасидан туриб «Фил ва Хўроз» эртагини намойиш этаётган экан. Кичкинтойлар қувончлари қайнаб чапак чалишади. Томоша эса борган сари қизийди.

Тожихол опа фаолият юритаётган мазкур боғчадаги ютуқлардан яна бири шундаки, бу ерда **боғча-мактаб-маҳалла** ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, тарбиявий жараёнга тест синовлари жорий этилмоқда. Шу кунгача вилоятда бўлиб ўтаётган жамики кўрик-танловларда боғча тарбияланувчилари фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили мазкур боғчада вилоят ҳокимиятининг кўргазмали семинари бўлиб ўтганлиги ҳам бежиз эмас.

Тожихол опа босиб ўтган олис йиллар қатида нурли излар ва ёруғ ҳамда ширин хотиралар бисёр. Бу хотиралар измида нечоғлик машаққатли меҳнат, жўшқин ва самимий ҳаётий муҳаббат, беғубор ва мусаффо қалб эгасининг қувончу ташвишлари бор. Бундай замондошларимизнинг ҳаётий тажрибаси беҳад ибратли. Бу дунёда яхши амаллар бажариб, ўзидан бир нурли из қолдираётган кишиларга ўз умри қанчалар яхши ва завқли эканлигини билсайдингиз...

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД**
**«МТ» вилоят мухбири**

**Термиз**



**Йўллар, юртни юрт билан, элни эл билан, дилни дил билан пайвандлагувчи, инсониятни фаровонликка элтувчи, Дунёни бир бутунликда боғлаб тургувчи равон манзиллар. Сиз суратда кўриб турган бу файзли манзаралар Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани ҳудудидадир. Икки тоғ сирлашиб инсонларга йўл бериб турган бу мўъжизавий манзил «Темур дарвозаси» деб аталади.**

